

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ОДҚБ ВА МДХ САММИТЛАРИДА ИШТИРОК ЭТДИ



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 15 май куни Москва шаҳрида Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДҚБ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг юбилей сессияси ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) Давлат раҳбарлари кенгашининг норасмий мажлисида иштирок этди.**

ОДҚБ Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессияси Кремлда давлат раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Сўнгра Ташкилотга аъзо мамлакатлар расмий делегациялари вакиллари иштирокида кенгайтирилган мажлис ўтказилди.

Кенгашининг ушбу саммити Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги Тошкент шартномаси имзоланганига 20 йил ва ОДҚБ ташкил этилганига 10 йил тўлган бир пайтда бўлиб ўтди.

Ўтган йиллар давомида Шартномага қўшилган мамлакатлар коллектив хавфсизлик тизимини шакллантириш бўйича мураккаб йўлни босиб ўтди. Собиқ Иттифоқ ҳудудида юзага келадиган кўплаб муаммоларни ҳал этиш борасида аъзо мамлакатларнинг амалий ҳамкорлиги бўйича катта тажриба тўпланди.

2002 йилда тузилган ОДҚБ аъзо давлатларнинг ҳамкорлигини сифат жиҳатдан янги

босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда. Бугунги кунда ОДҚБнинг терроризмга, наркотиклар ва қурол-яроғнинг ноқонуний савдосига, уюшган транснационал жиноятчиликка қарши курашиши ва бошқа соҳаларни ўз ичига олган мақсадли вазифалари кўлами кенгайиб бормоқда.

Ўзбекистон Президенти минтақада ва умуман, дунёда юзага келган, турли тенденцияларга эга ҳамда ушбу маконда жойлашган давлатлар ва халқларнинг муҳим ҳаётий манфаатларига бевосита таъсир кўрсатаётган мураккаб сиёсий, ҳарбий-сиёсий, иқтисодий вазиётнинг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда, Ташкилотни янада ривожлантириш истиқболлари юзасидан ўз тақлифларини билдирди.

Хусусан, Ўзбекистон ОДҚБнинг асосий мақсади, аввало, аъзо давлатларни ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилишдан иборат, деб билиши таъкид-

ланди. ОДҚБ фаолиятининг самарадорлиги ва унинг янада ривожланиши кўп жиҳатдан Ташкилотга аъзо барча давлатларнинг ҳамжиҳатлик таъминлиги амал қилиши ҳамда манфаатлари уйғунлигига боғлиқ экани баён этилди.

Сессия ақунлари бўйича ОДҚБга аъзо давлатлар раҳбарларининг Декларацияси ва қатор бошқа ҳужжатлар қабул қилинди.

Шу куни МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг норасмий мажлиси ҳам бўлиб ўтди. Ўзбекистон томони Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кўп томонлама ҳамкорлик учун шарт-шароит яратишдан манфаатдор суверен мамлакатлар бирлашмаси сифатида қаради.

Ҳамдўстлик кўп қиррали ҳамкорлики мувофиқлаштирувчи вазифасини бажариши мумкин ва зарур. Шунингдек, у бевосита музокара ва давлатлараро мулоқотлар, жум-

ладан, турли даражадаги икки томонлама учрашувлар майдони бўлиб қолиши керак.

Учрашувда МДХга аъзо давлатлар раҳбарлари ўзаро ҳамкорликини ривожлантиришнинг истиқболли масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Москвага ташрифи доирасида Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан учрашди.

Ўзбекистон раҳбари Владимир Путинни сайловолди кампанияси муваффақиятли ўтказилгани ва Россия Федерацияси Президенти юксак лавозимига сайлангани билан самимий табриклади.

Томонлар дунёда вазият шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги шароитда, аввало, олий даражадаги доимий музокара қилини, сиёсий мулоқот зарурлигини ҳамда юзага келадиган янги хавф-хатар ва таҳдидларга қарши туришда, халқаро хавфсизликнинг кўплаб кескин муаммоларига ечим топишда ўзаро келишилган позицияларни ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидладилар.

Қуйидаги маълумотлар мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик

юксак суръатларда ривожланаётганидан далолат беради: 2010 йил якунига қўра, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 6,4 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2011 йили бу кўрсаткич 6,7 миллиард долларга етди. Ушбу муҳим соҳада ҳали ишга солинмаган имкониятлар кўп. Бу, биринчи навбатда, товар айирбошлашни диверсификация қилиш ва сармоявий соҳадаги ҳамкорлик кўламини кенгайтиришни таъқозо этади.

Владимир Путин, ўз навбатида, Россия томони Ўзбекистоннинг турли соҳалардаги улкан салоҳиятини юксак баҳолашини, Ўзбекистонни минтақадаги етакчи мамлакатлардан бири, деб билишини таъкидлади. Халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ришталарини замон талаб қилаётган суръат ва сифат билан илгари одимлашимиз учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади.

Учрашувда икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришга оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан атрафлича фикр алмашилди.

(Ў.А.)  
Сарвар ҲУМОНОВ  
олган сурат.

### Халқаро кўргазма

Кеча “Ўзэксспомарказ” мажмуасида “Ўзбекистон нефть ва газ — OGU — 2012” 16-халқаро кўргазмаси иш бошлади. Мазкур нуфузли тадбир Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги кўмағида “ITE Uzbekistan” компанияси томонидан ташкил этилди.

## Саноатимиз тараққиётининг яна бир намоиши

Маълумки, Ўзбекистон иқтисодиётининг локомотивларидан бирига айланган нефть-газ саноати жадал суръатларда ривожланмоқда. Соҳа мутахассисларининг айтишича, бунинг сабаби юртимиз замида табиий бойликларнинг кўпчилиги билангина изоҳланмайди. Аксинча, кўлга киритилаётган муваффақиятлар тармоқда изчил амалга оширилаётган оқилона ислохотлар, ҳаётий дастурлар, техник ва технологик янгиланишларнинг юксак самарасидир.

Дарҳақиқат, Президентимиз ташаббуси билан мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан ягона нефть-газ тармоғини барпо этиш гоёси илгари сурилиб, шу мақсадда ҳуқуқий асос яратилгани ушбу йўналишда туб ўзгаришлар ясади. 2012 йил бошига келиб, республикамизда топиладиган углеводород кони 242 тага етгани, шундан 110 таси истиқлол йилларида очилгани бунинг яққол исботидир.

(Давоми 2-бетда).

## АКТ: Дастурчиларнинг миллий форуми

Бугун пойтахтимизда дастурий маҳсулотларнинг миллий кўргазмаси — “Best Soft Uzbekistan — 2012” ўз ишини бошлайди. Шу муносабат билан куни кеча матбуот анжумани ҳамда мамлакатимиз дастурчиларининг миллий форуми бўлиб ўтди.

### «Best Soft Uzbekistan — 2012»

Мазкур тадбир Ўзбекистон ахборот технологиялари қорхона ва ташкилотлари ассоциацияси томонидан Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг расмий кўмағида ташкил этилди. Унда тегишли ташкилот ва идоралар вакиллари, мамлакатимиз софтвер саноатининг етакчи мутахассислари иштирок этди.

Анжуманда мамлакатимизда АКТни жамиятнинг барча соҳаларига кенг татбиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилаётгани, бунинг учун зарур ҳуқуқий пойдевор яратилиб, у замон талаблари асосида тақомиллаштириб борилаётгани алоҳида таъкидланди.

Беш йилдан буён анъанавий равишда ўтказиб келинадиган “Best Soft Uzbekistan” форуми ва кўргазмасида давлат бошқаруви органлари, бизнес вакиллари, қолаверса, аҳоли кенг қатлами учун тармоқнинг бугунги ютуқлари ва ёрқин истиқболли намоиши этиб келинаётгани бунинг яққол тасдиғидир.

(Давоми 2-бетда).

### Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

## Аҳоли манфаатларини таъминлаш

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосидир

Бугунги кунда маҳалла мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида, қолаверса, ҳар биримизнинг яшаш тартибимизда муҳим ўрин эгалламоқда. Маълумки, республикамизнинг барча ҳудудларида ўтказилган маҳалла фаолларининг ўқув-семинарлари мазкур институтни муттасил тақомиллаштириб бориш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига оид ишларни кучайтириш, фуқароларнинг жамиятдаги ижтимоий фаолиятини ошириш ҳамда уларнинг манфаатларини муҳофаза қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Андижон вилоятида 866 та маҳалла, 94 та қишлоқ фуқаролар йиғини, 6 та шаҳарча мавжуд. Мазкур ҳудудда ўтказилган ўқув-семинарларда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқий ва табиий билимларини юксалтириш, маҳалларда олиб борилаётган иб-

(Давоми 2-бетда).

## Ватан — азиз ва муқаддас

Инсон ўз киндик қони тўкилган жойни азиз ва муқаддас деб билади. Корейс миллатига мансуб бўлсам-да, ўзим туғилиб ўсган мана шу бетақорр заминни — Ўзбекистонни Ватаним дея қадрлайман, унинг бир вакили сифатида кўксимни тоғдек кўтариб юраман.

### Бағрикенглик

Бу йил юртимиз мустақиллигининг йигирма бир йиллигини кенг нишонлаймиз. Ушбу сананинг ҳаётимизда тутган ўрни ва аҳамияти нуҳоятда катта. Чунки истиқлол тўғрисидаги ҳақиқатларимиз янада кўркамлашди, одамларимизнинг турмушига янги мазмун кирди, азалий қадрият ҳамда анъаналаримиз қайта тикланди. Масалан, мамлакатимиздаги мил-

латлараро муносабатлар муҳитини олайлик. Бугун юртимизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек, тинч-тотув яшамоқда. Уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, таълим олишлари, ўз қизиқиш ҳамда лаёқатлари бўйича касб-хунар эгаллашлари, маданиятлари, урф-одатлари, анъаналарини сақлаш ва ривожлантиришлари учун

(Давоми 2-бетда).

## Чакана товарлар айланмаси ошмоқда

Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда чакана товар айланмаси ҳажми

11 фоизга ўсди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, унинг инфратузилмасини янада тақомиллаштириш мақсадида юзлаб янги чакана савдо ва умумий овқатланиш қорхоналари ташкил этилгани, уларнинг аксарияти қишлоқ жойларда ишга туширилгани тизимда ана шундай юқори кўрсаткичга эришиш имконини берди.

Бир рақам шарҳи

(Давоми 2-бетда).





# Намунали ҳарбий оила

Пойтахтимиздаги Марказий офицерлар уйида "Намунали ҳарбий оила" анъанавий кўрик-танловнинг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Юртимизда азал-азалдан оила муқаддас саналган. Унга нисбатан ҳаётимиз таянчи ва сунъчи, жамиятимизнинг асосий бўғини, тарбия ўчоғи деган кўпдан-кўп ибораларнинг қўлланилиши замирида ҳам жуда кенг маъно-мазмун мужассам. Яъни ўғил-қизларимизнинг ҳаёт ҳақидаги илк қарашлари, яхшилик ва эзгулик, меҳр-оқибат, ор-номус каби олижаноб тушунчалари айнан ушбу масканда шаклланади, ривожланади. Одобли, ақл-идроқли, билимли, меҳнатсевар фарзанд эса нафақат ота-онанинг, балки бутун бир жамиятнинг бойлиғидир. Шу боис ҳам муқтадирлик йилларида Президентимиз раҳнамолигида оила институтини ривожлантириш, унинг нуфузини ошириш масаласига давлат сийёсатининг энг муҳим устувор йўналиши сифатида эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, Конституциямизда оиланинг ижтимоий мақоми аниқ белгилаб қўйилган. Оила, Фуқаролик кодекслари ва бошқа зарур қонун ҳужжатлари қабул қилиниши орқали бу борадаги ҳуқуқий асослар янада мустаҳкамланган. Юртбошимизнинг 2007 йил 18 майдаги "Еш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони, жорий йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб

эълон қилиниши эзгу мақсад йўлидаги улкан саяё-ҳаракатларнинг ёрқин ифодаларидир. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан ўтказиб келинаётган мазкур танловдан кўзланган асосий мақсад ҳам ҳарбий оилалар ўртасида миллий анъана ва қадриятларни, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришдан иборатдир. Кўрик-танловнинг якуний босқичида 9 оила вакиллари иштирок этди. Улар таништирув, саҳна кўриниши, билимдонлар баҳси шартлари бўйича ўзаро беллашди. Ҳайъат аъзолари хулосасига кўра, биринчи ўрин Шарқий ҳарбий округ вакили, капитан Муҳаммадсимоил Маматов оиласига насиб этди. Иккинчи ва учинчи ўринни Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округдан сержант Анваржон Қодиров оиласи ҳамда Марказий ҳарбий округдан шартнома бўйича хизмат қилаётган оддий аскар Хусниддин Холиқов оиласи эгаллади. Фойиблар махсус диплом ва ташкилотчилар томонидан таъсис этилган қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Шавакст ОРТИҚОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Танлов

# Эндокринологлар анжумани

Ўзбекистон Фанлар академиясида эндокринолог мутахассисларнинг анъанавий илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Эндокринологлар ассоциацияси ҳамда республика ихтисослаштирилган Эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда юртимиз олимлари, тадқиқотчилар, ёш шифокорлар ҳамда хорижлик мутахассислар иштирок этишди.

## Тиббиёт

Анжуманда айтилганидек, бугун дунё миқёсида қандли диабет хасталиғи оғир тиббий-ижтимоий касалликлардан бири ҳисобланади. Эътиборлиси, юртимизда мазкур хасталикнинг олдини олиш ва даволаш-таъшиш йўналишларида қатор амалий ишлар қилинаётди. Айни пайтда республика ихтисослаштирилган Эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг мақоли мутахассислари эндокрин жароҳлик, диабетология, болалар эндокрин хасталиқлари, оёқ тўлиғи диабет, репродуктив эндокринология каби ихтисосликларда фаолият кўрсатмоқдалар. Жорий йилда эса марказ қўшида янги — нейроэндокрин жароҳлик бўлими очилди ва бугун бу ерда энг мураккаб амалиётлар муваффақиятли ўтказилаётди.

— Марказимиздаги аскарлар шифокорлар жаҳоннинг энг етакчи клиникаларида малака ошириб, хорижлик ҳамкасблари билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб бораётган мутахассислардир, — дейди марказнинг ташкилий-услубий бўлими мудири, тиббиёт фанлари доктори Тўхтамурод Муҳаммадов. — Шубҳасиз, бугунги анжуман ҳам улар учун ўзига хос таъриба мактаби вазифасини ўтайди. Тадбирда Россия ва Украина мамлакатларидаги ийрик тиббиёт марказларининг таниқли олимлари ҳам иштирок этишмоқда. Улар билан соҳадаги долзарб масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашиш, ҳамкорлик алоқаларимизни янада мустаҳкамлашда айни дамдаги мулоқотларимиз муҳим аҳамиятга эгадир.

Анжуманда эндокрин хасталиқларига чалинган болалар ва ўсмирларга тиббий ёрдам кўрсатиш, йод этишмовчилиғи билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш, қандли диабет турларининг ташхиси ва муолажа услублари каби йўналишларда илмий маърузалар тингланди.

Муборак ОХУНОВА,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Кўрик

Тошкент темир йўл муҳандислари институтида "Қизлар давраси" республика телевизион кўрик-танлови бўлиб ўтди.

# Нафосат маликалари

"Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик темир йўл компанияси, Республика Хотинқизлар қўмитаси ҳамда Тошкент темир йўл муҳандислари институти ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирда энг фаол, изланувчан, латофату нафосатда тенгсиз қизлар ўзаро беллашди. Танлов "Пазандалик", "Қасбим — фахрим", "Муסיқий ринг" ҳамда қизқарки савол-жавоблар сингари шартлар асосида кечди. Якунда институт талабаси Гўзал Юсупова мутлақ ғолиб деб топилди.

— Мамлакатимизда биз, ёшларга яратиб берилган бекиёс имкониятлар, кўрсатилган эътибор ва ғамхўрликлар ҳар биримизни ана шу юксак ишончга лойиқ бўлишга ундайди, — дейди Г. Юсупова. — Бугунги муваффақиятим ҳам ушбу интилиш самарасидир.

Дилноза ТОЖИЕВА.

**AL-RAMI**

«eurofence» турли панель тўсиқлари спорт майдончалари, тураржой, паррандачилик фермалари ва бошқа катта ҳудудларни тўсишда қўлланилади. Буюртма бўйича ўлчамдаги катак турни тайёрлаш. Буюртма бўйича турли мураккабликдаги металлдан тайёрланган маҳсулотлар: фермалар, устунлар (колонна), парпетлар ва ҳоказолар. Болғалаб безак бериб ясаш (художественная ковка), панжаралар, тутқичлар (перила), дарвозалар ва бошқалар. Том, сунъий ҳавза, ҳовуз (бассейн)ларни ёпиш учун ПВХ-мембрана, маҳсулот кафолати — 50 йилгача.

www.stroyca.uz al-rami@inbox.ru (+99890) 187-44-65.

**DST-07 DESTAS**

**ТАКСОМЕТРЫ**

Товар сертифицирован Узгосстандартом и внесен в госреестр РУ

Адрес: г. Ташкент, ул. А. Кадыри, 35. Тел.: (+998 71) 150-20-38, (+998 97) 428-11-10, 432-00-55. Факс (+998 71) 150-20-37. E-MAIL: avtokom@sk.su

**Китоб — миллатнинг қалб ва ақл кўзини ёритувчи офтобдир!**

**ГАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ**

Юлдузлар анжуманидаги қуёшдек порлаб турувчи сиймо, миллий шеърятимиз, адабиётимиз султони, буюк мутафаккир Мир Алишер Навоийнинг ўн жилдлик «Тўла асарлар тўплами»ни кирилл ва лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида ҳамда мумтоз адабиётимиз, ҳозирги замон адабий-бадий ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини сиз, азиз китобхонларимизга тақдим этади.

**Сизга тақдим этаётган буюк ва таниқли шоир-ёзувчиларнинг бебаҳо дурдоналаридан бебаҳо қолманг!**

Мурожаат учун манзил: 100128, Тошкент ш., Шайхонтоҳур к., 86-уй.  
Тел.: (+99871) 241-83-29, 241-35-47. Моб.: (+99897) 760-06-81.  
web-сайтимиз: www.iptdgulom.uz e-mail: iptdgulom@sarkor.uz

ОБ-ҲАВО	Корақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида	Бухоро ва Навоий вилоятларида	Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида	Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида	Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида	Тошкент шаҳрида
(16 май)	+15 +20 +30 +35	+15 +20 +30 +35	+13 +18 +26 +31	+13 +18 +30 +35	+13 +18 +25 +30	+16 +18 +29 +31

**Халқ сўзи**  
Народное слово

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 554. 91 284 нусхада босилган, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН ҚЎЛЪМЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИҒГА ҚАЙТАРИЛМАЙДИ. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.  
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.  
Навбатчи — Ф. Шералиев.  
Мусоҳиҳ — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 06.00 Топширилди — 06.40

1 2 3 4 5